



Қарор ва ижро

Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида



Муборак Қурбон ҳайитининг халқимизга хос бўлган инсонпарварлик, меҳр-оқибат, саховат ва ўзаро ҳамжихатлик каби фазилатларни қарор топтиришдаги муҳим аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда миллий-диний қадриятларимизни улуғлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2021 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 20 июль – сешанбага тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб, мамлакатимизда 2021 йил 20 июль куни Қурбон ҳайити байрами этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги "2021 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида"ги ПФ-6122-сон Фармонида ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги ПФ-6222-сон Фармони билан 2021 йил 21 – 22 июль кунлари ҳам дам олиш кунлари сифатида белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Маҳалла ва оилани қўллаб-

қувватлаш вазирлиги ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Қурбон ҳайитини карантин талабларига амал қилган ҳолда халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда оила давраида ўтказиш афзаллиги ҳақида кенг тушунтириш ишларини амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 13 июль

Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 30 йиллигига

Ноёб дурдонамизни асраш – муқаддас бурчимиз!

Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд ўзининг бой тарихи ва меъморий ёдгорликлари билан бутун дунёда машхур. Регистон майдони эса аждодларимиздан мерос бўлиб, Шарқ меъморчилигининг барча жозибасини ўзида мужассам этган бебаҳо инъомдир. Унинг жозибаси, кўрки ва салобати маҳаллий ҳамда хорижий сайёҳларни ўзига мафтун этиб келмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси 1991 йилда ўз мустақиллигига эришгач маданий меросларимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошлаб давлатимиз томонидан халқимизнинг бой тарихи ва маданий меросини сақлаш, уни тиклашга жуда катта аҳамият берилди бошланди, жумладан, Регистон майдонидаги обидалар ҳам янги даврга қадам қўйди.

Самарқанднинг бугунги жозибаси, салобатли кўринишига мустақиллик йилларидаги қайта тиклаш, таъмирлаш ишлари туфайли эришилди. 30 йил давомида олиб борилган ишлар натижасида дунё эътиборидаги Регистон мажмуаси

сайёҳларнинг хайрату ҳавасини тортиб келмоқда.

Мажмуани тўлиқ таъмирлаш-тиклаш ишларига республикамизнинг Хоразм, Фарғона, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларидан келган 250 нафардан ортиқ усталар ишга жалб қилинди. Уларга бош меъморлар Рафазл Эшмуҳаммедов ва Эгамберди Нуруллаевлар бош бўлишди. Лойиҳага кўра, ҳовлидаги иккинчи қаватдаги пештоқлар ва ҳужралар реконструкция қилиниб, қайта бунёд этилди. Бу ишларга керакли қошн ва терракоталарни "Меъмор-96" Самарқанд махсус илмий ишлаб чиқариш устaxonаси тайёрлаб, етказиб берди.

Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш бора-бора мамлакатимизда сезиларли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2001 йил 30 август куни "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

Давоми 2-саҳифада

Ушбу сонда



Ўзбек шеъриятининг ёрқин юлдузи


4-саҳифада

Довон – водийнинг илк давлати

6-саҳифада

Ризқ учун ҳаракат лозим(ми?)

7-саҳифада



Донолар
сузлайди...

Билимдан бир шуъла дилга тушган он,
Шунда билурсанки, илм бепоён.

Фирдавсий

Чинакам дўст айтган ҳар ўғит, масал,
Сирти заҳар эрур, томири – асал.

Н.Хусрав

Жуда кўп инсонларни кўрдимки, ҳеч бири бу дунёдан
рози эмас ва аини чоғда ҳеч бири бу дунёдан кетишни
ҳам истамас.

Намиқ Камол

Музыка мактаблари

Фаолият
ислоҳ
қилинади

12 июль куни Тошкент шаҳар маданият бош бошқармаси тасарруфдаги болалар музыка ва санъат мактаблари директорларининг биринчи ўринбосарлари ҳамда ўқув-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари иштирокида 2020-2021 ўқув йили якуналари юзасидан хайъат йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда келтирилган маълумотлар

асосида эришилган ютуқ ва камчиллар мактаблар кесимида батафсил таҳлил қилинди.

Бундан ташқари, янги ўқув йилига тайёргарлик жараёнларини самарали ташкил этиш, барча таълим муассасаларида ўқув машғулотларини ҳар томонлама сифатли олиб бориш, янги ўқув методик қўлланма ва тавсиялардан унумли фойдаланиш хусусида

тегишли кўрсатмалар бериб ўтилди.

Шунингдек, йиғилишда таълим муассасаларини ривожлантиришнинг устивор йўналишлари белгиланиб, мактабларнинг молиявий-хўжалик ҳолати, даромадлар, харажатлар, бюджет ҳамда бюджетдан ташқари маблағлардан тўғри фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш каби масалалар илгари сурилди.



Давоми. Боши 1-саҳифада



Ноёб дурдонамизни асраш – муқаддас бурчимиз!

2004 – 2006 йиллар давомида Германиянинг Подсдам қурилиш институти ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти мутахассисларининг тавсияси ва грантига асосан Тиллақори мадрасаси масжидининг гўмбазига оғирлигини инобатга олиб ҳамда пойдеворлари чўкишининг олдини олиш мақсадида, масжиднинг икки кириш томонида ҳозирги саҳндан 12 метр чуқурликда жойлашган қумли қатламгача қудуқлар қазилиб, темир-бетон қоришмасидан “этичка” қуйилди. Ажабланирлики шундаки, жанубий-шарқий қудуқнинг 3 метр чуқурлигидан археологик топилмалар, яъни 60 га яқин сопол идишлар бўлаги ва мадраса-иншоотларнинг фасадида ишлатилган ўйма декоратив қисмлар топилган. Бир қатор мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўрганишлар шуни кўрсатдики, топилмалар XV-XVI асрларга тааллуқли бўлган. Ҳозирги кунда улар Тиллақори масжидида қўйилган “Самарқанд – тарихий суратларда” номли кўрғазмадан ўрин олган. Демак, ушбу топилмалар шундан дарак берадики, Тиллақори мадрасаси масжиди Улугбек томонидан XV асрда қурилган қарвонсаройнинг пойдевори устидан барпо қилинган экан...

Орада ўтган 20 йиллик қурилиш таъмирлаш ишларида жуда кўп фидойи усталар иштирок этишди...

2017 йилда Шердор мадрасасининг бош пештоқидаги шер ва кийик композицияси ҳамда Тиллақори мадрасаси масжиди бош пештоқидаги қошин бўлақлари тушиб кетиши кўпайганини, Регистон майдонида ташриф буюрган маҳаллий ва хорижий сайёҳларга хавф туғдирганлиги сабабли вақтинчалик махсус зангламас металл тўр тортилиб муҳафазаси этилди. Уларни қайта таъмирлаш ва тиклаш учун лойиҳа тайёрлашга буюртмалар берилди. 2018 йилда Шердор мадрасасининг асосий пештоқ қисмидаги композиция тасвирни таъмирлаш ва уни ўрганиш ҳамда керакли рангли қошинлар микдорини аниқлаш учун Польшанинг Люблин технология университети ходимлари билан ҳамкорликда замонавий ахборот технологиялари 3D лазерли сканерлардан фойдаланилди ва таъмирлаш бўйича таклифлар тайёрланди. 2019 йилда кўп йиллар давомида

бу йўлдан вақтинчалик таъмирлашиб турилган Тиллақори мадрасасининг катта гўмбазига мукамал қайта таъмирланди. Гўмбазнинг 461 м² қисмидаги сирланган қошинлар алмаштирилди, ундаги қарийиб 110 тоннадан ортиқ вазнга эга ортиқча қурилиш қопламалари олиб ташланди. Шу йилнинг ўзида Регистон ансамблига ташриф буюраётган сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида барча кириш йўлакларига имконияти текланганлар учун махсус йўлаклар (пантус) барпо этилди.

2019 – 2021 йиллар давомида Регистон мажмуасида қатор жорий таъмирлаш ишлари билан бирга Мирзо Улугбек мадрасаси масжидига “иссиқ пол” тўшалиб, бино турли илмий тадбирлар ўтказиш ва экспозиция яратишга тайёрланди.

Ўтган 30 йил давомида Регистон мажмуасида объектни музейлаштириш учун кўпгина ишлар амалга оширилди. Жумладан: 2000 йилда Тиллақори мадрасаси масжиди галереясида “Самарқанд халқ амалий санъати намуналари” доимий кўрғазмаси, 2007 йил “Самарқанд тарихий обидаларини таъмирлаш” кўрғазмаси ташкил этилди. 2008 йилда Мирзо Улугбек мадрасаси дархонасида “Мирзо Улугбекнинг илмий ва шаҳарсозлик мероси” кўрғазмаси ташкил қилинди. Ушбу жараёнларда Самарқанд тарихий обидаларини ва Мирзо Улугбек томонидан қурилган иншоотларнинг фотосуратлари нусхаси тўпланди ва улар мажмуа кўрғазмалар экспозициясида намоиш этилди. Бундан ташқари, Мирзо Улугбек мадрасаси хужраларида 2009 ва 2014 йилларда Самарқандда ташкил этилган нуфузли Халқаро илмий анжуманлар иштирокчиларига намоиш этиш учун “Самарқандда илм-фан ва маданиятнинг ривож-

ланиши” мавзусида Самарқанд олий ва ўрта махсус муассасалари томонидан кўрғазмалар ҳам ташкил этилди.

2020 йилда карантин чекловларига қарамай, Мирзо Улугбек мадрасасининг 600 йиллиги муносабати билан “Самарқандда таълим тарихи” доимий кўрғазмаси, Шердор мадрасасида “Ўтмишнинг ноёб фотосуратлари” фотокўрғазмаси ташкил этилди. Мана шу даврнинг ўзида Мирзо Улугбек мадрасасидаги “Мирзо Улугбекнинг илмий ва шаҳарсозлик мероси” кўрғазмаси қайта реэкспозиция қилинди. Шунингдек, Регистон мажмуасидаги Шердор мадрасасида “XIX аср талабаси хужраси” экспозициясида ҳам реэкспозиция ишлари амалга оширилди. Бунда Регистон мажмуаси илмий ходимлари билан бирга республикамиздаги бир қатор музейшунос мутахассислар ҳам қатнашиб, улар билан ҳамкорликда экспозициянинг янги илмий ғояси ва мавзуси-экспозиция режаси ишлаб чиқилди. Ҳозирги пайтда Регистон мажмуасидаги Мирзо Улугбек мадрасасида “Мирзо Улугбек давридаги дархона” мавзусидаги интерьер тўдан янгиланиб, уни манекенлар ёрдамида тўлдириш ҳамда “Самарқанд тарихий обидаларини таъмирлаш тарихи” мавзусида кўрғазма ташкил этиш борасида режали ишлар олиб борилаётганда.

Мажмуада ўтган 30 йил давомида кўпгина халқаро илмий анжуман ва конференциялар ташкил этилиб, улар юқори савияда ўтказилган. Шулар жумласидан, 2007 йилда Самарқанд шахрининг 2750 йиллигига, 2009 йилда Мирзо Улугбекнинг 615 йиллигига бағишланган, 2017 йилда Ўзбекистон маданий мероси жаҳон музейларида, 2019 йилда Маданий мерос объектлари сақлашда ахборот технологияларидан фойдаланиш мавзусидаги

халқаро илмий конференцияларни санаб ўтиш мумкин. Мажмуа илмий ходимлари нафақат конференцияларни ўтказиш учун ташкилий ишларда қатнашдилар, балки мавзулар бўйича ўз илмий-тадқиқот маърузалари билан ҳам иштирок этилдилар.

Регистон майдони нафақат Самарқанд, балки бутун республикамизнинг илмий-маърифий ва маданий-маънавий маркази ҳисобланади. Мана шу 30 йил давомида бу ерда кўпгина жаҳоншумул аҳамиятга молик бўлган тадбирлар нуфузли хорижий ташкилотлар ва давлатлар раҳбарлари иштирокида ўтказиб келинмоқда. Жумладан, Мирзо Улугбекнинг 600 йиллиги (1994), Амир Темурунинг 660 йиллиги (1996), Самарқанд шахрининг 2750 йиллиги (2007), 1997 йилдан ҳар икки йилда бир маротаба ўтказиладиган “Шарқ тароналари” Халқаро музыка фестивали тадбирларини келтириш мумкин.

Регистон мажмуасида сайёҳларнинг кечки бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун 2015 йилда Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган 3D шаклидаги Самарқанд тарихига бағишланган нури-овозли шоу тизими ўрнатилди. Бундан ташқари, Регистон мажмуасининг 2020 йилда янги ишлаб чиқилган веб-сайти www.registan.uz манзили билан интернет тармоғига жойлаштирилди. Ундан Регистон мажмуаси ҳақидаги тарихий маълумотлар, суратлар, бу ерда бўлаётган кўпқатлиқ янгилар, ўтказилаётган тадбирлар, тарихий ва замонавий фотосуратлар галереяси, мажмуага доир илмий китоблар, мақолалар, маърузалар, мажмуа раҳбарияти билан алоқа ўрнатиш ва бошқалар жой олган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш бўйича ҳозирги кунда Регистон ансамблини таъмирлаш ва ундан фойдаланиш мустақил дирекцияси олдига турган асосий муаммолардан бири XV – XVII асрнинг ноёб дурдоналаридан бўлган Мирзо Улугбек, Шердор ва Тиллақори мадрасаларининг баъзи жойлари намлик, иссиқлик ва

шамоллар таъсирида хавфли ҳолатга келиб қолгани, яъни Мирзо Улугбек мадрасаси кириш бош пештоқининг 20 метрдан юқорида жойлашган катта тимпанидаги юлдузлар композицияси, қошин буриши тимпанлар, араб ёзувлари, майоликали ҳошиялар, сирланган қошинкорлик плиткалари деворлардан бўртиб чиққан жойларини таъмирлаш, консервациялаш ва мустаҳкамлаш ишларини амалга ошириш, Шердор мадрасаси бош пештоқидаги шер ва кийик композициясини тўдан мукамал таъмирлаш масалаларидир.

Албатта, таъмирлаш-тиклаш давомида тарихий обида беш-олти ой давомида ёппа бўлади. Аммо муаммо ечими ташриф буюрадиган меҳмонларнинг хавфсизлиги ва йиллар давомида яроқсиз ҳолга келиб қолган қошинларнинг янгиланишига олиб келади. Бу ишларни кўп йиллик таъмирлашга эга юқори малакали таъмирловчи-усталар бажаришлари шарт.

Шу ўринда яна бир муаммо: ҳозирги вақтда устоз-шогирд масаласи долзарбдир. Мустақиллигимизнинг биринчи йилларида таъмирлаш билан шугулланган усталар ҳозирги кунда анча кексашиб қолишган. Шу сабабли қурилиш институтида тарихий обидаларни реставрация қилиш йўналишида ўқув тизимини жорий этиш, мавжуд таърибли усталарни жалб қилган ҳолда семинар, малака ошириш курслари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш айтиш мақсадга мувофиқ иш бўларди.


Хуллас, бизнинг асосий мақсадимиз – аждодларимиздан мерос бўлиб, Шарқ меъморчилигининг барча жозибасини ўзида мужассам этган меъморий ёдгорлик, яъни халқимизнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланган Регистон ансамблини келажақ авлодга асл ҳолида етказиб беришдан иборат. Бу хайрли ва айтиш пайтда ўта долзарб вазифани бажариш фақат мажмуа ходимларининг эмас, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир.

Хонкул САМАРОВ,
Регистон ансамбли директори,
Азамат САМАТОВ, директор
ўринбосари,
Раҳим ҚАЮМОВ,
илмий ходим



» Бухоро ва Анкара:

Янги ҳамкорлик йўлида



Туркия давлатининг "Анкара" маданият ва санъат клуби раҳбари Метин Узасланбей Бухоро вилоятида сафарда бўлди.

Меҳмон, аввало, шариф шаҳарнинг тарихий обидалари, муқаддас қадамжоларини зиёрат қилди. Сўнгра Ўзбекистон давлат филармонияси Бухоро вилоят бўлими ансамбллари фаолияти билан қизиқди.

Метин Узасланбей бухороча ижро, нола ва маҳорат уфуриб турган ансамбллар репертуари билан танишиш асносида, келажакда туркий тилли халқлар маданияти ва санъатини кенг тарғиб қилиш борасидаги ҳамкорликда янги лойиҳалар, концертлар ҳамда турли маданий тадбирлар ўтказиш режаларини белгилаб олди.


Сафар якунида, Бухоро шахридаги Нодир Девон Беги ҳамда Саррафон тарихий обидаларида жамоа ансамбллари билан ижодий учрашув ташкил этилиб, меҳмон шарафига концерт дастури намойиш этилди.

Метин Узасланбей бухороча ижро, нола ва маҳорат уфуриб турган ансамбллар репертуари билан танишиш асносида, келажакда туркий тилли халқлар маданияти ва санъатини кенг тарғиб қилиш борасидаги ҳамкорликда янги лойиҳалар, концертлар ҳамда турли маданий тадбирлар ўтказиш режаларини белгилаб олди.

» Тарихимиз кўзгуси

Мустақиллик йилларида тарихимизга, миллий қадриятларимизга, айниқса, уни аниқ далиллар орқали намоён этишнинг энг таъсирчан шакли бўлган музейларга нисбатан эътибор ошди. Юртбошимиз томонидан 2020 йилнинг 26 майида қабул қилинган "Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида музейлар фаолиятини янада такомиллаштириш йўлга қўйила бошлади.


Авлодларни боғловчи маънавий кўприк



Музейлар фақатгина миллий маданий қадриятларни намоишига бўлиб қолмай, улар бизни ўтмиш саёҳатига қорловчи йўлчи юлдуз ҳамдир. Яъни авлодларни боғловчи маънавий кўприк. Жумладан, Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи ҳам Ўзбекистондаги энг кекса масканлардан бири ҳисобланади. Унга 1894 йилда асос солинган. 1895 йил 2 ноябрда Фарғона ҳарбий губернатори буйруғига кўра, тўртта хона ажратиб берилган. 1897 йилда музей низоми тасдиқланиб, 1899 йил 26 май куни "Фарғона вилояти музейи" номи билан тантанали очилди. Бу вақтга келиб музейда 2223 дона буюм ва китоблар йиғилган эди. Музей одатда дам олиш ва байрам кунлари очик бўларди ёки вилоятга келган нуфузли меҳмонлар учун махсус очиларди.

1938 йилдан у "Вилоят ўлкашунослик музейи" сифатида фаолият олиб борди. Бу вақтга келиб музейга кириш, табиат, тарих ва социалистик қурилиш экспозицияси мавжуд бўлиб, экспонатлар сони 15000 дан ошди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги 975-сонли қарорига асосан "Фарғона вилояти ўлкашунослик музейи" "Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи" номига ўзгартирилди. Унинг норматив, ҳуқуқий ҳужжатлари мувофиқлаштирилди. Ҳозирги кунда музейда табиат, археология, Қўқон хонлиги ва шаҳар тарихи экспозиция заллари фаолият олиб бормоқда. Бу экспозициялар тарих ва маданиятимизнинг асл ёдгорликларни кўргазмаси бўлиб, уларда замонавий диорамалардан фойдаланилган.

Хар йили минглаб музей ихлосмандларини, ўқувчи-талаба ёшларини қабул қиладиган ушбу маскан нафақат юртдошларимиз, балки хорижий меҳмонлар учун ҳам қадрлидир. Ёш авлод қалбиди маънавий меросимизга нисбатан ҳурмат туйғусини уйғотишда музейларнинг ўрни беқиёс. Бугунги кунда музейимиз нафақат халқимиз тарихидан ҳикоя қилувчи осори-атикаларни сақлайдиган, намоиш қиладиган муқаддас маскан, балки таълим тизими ривожига, навқирон авлод тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлган маънавий даргоҳдир. "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари" йили давлат дастурига биноан 2017 – 2027 йилларда музейлар фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш комплекс чора-тадбирлари дастурини ишлаб чиқиш кўзда тутилгани бизни жуда қувонтирди. Чунки мазкур дастур ижроси барча музейлар қатори бизнинг музейимиз моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ҳамда замонавий шарт-шароитлар яратишга катта имкон яратди. Бугунги кунда музейда халқимизга ноёб ашёлар намоиш қилиниши баробарида Фарғона давлат университети, Фарғона политехника институти, Фарғона ихтисослаштирилган санъат мактаблари, вилоят ихтисослаштирилган мақом мактаби, Фарғона вилояти ихтисослаштирилган мусика академик лицейи ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида доимий кўргазмалар, илмий-амалий семинарлар, учрашувлар, маҳорат дарслари ва мусиқали кечалар ўтказилмоқда.




Музейлар ўтмиш билан бугунчи боғловчи маънавий кўприги ҳисобланади. Шу боис бу ерда сақланаётган ҳар бир тарихий нақш, сурат, буюм, уй анжони, аёллар безаги каби нодир намуналардан халқимизнинг минг йиллик анъаналари, қадриятларини ўрганиш мумкин. Музейнинг ҳар жиҳатдан мукамал ва замонавий қўрилиш касб этишини таъминлаш, фондини асраш, бугунги кунга мос равишда хизмат кўрсатиш орқали муҳлислар эътиборини қозониш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Айниқса, музей фаолиятида илмий ва халқаро ҳамкорликнинг алоҳида ўрни бор. Ўзбекистон давлат ва санъат музейи, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Андижон вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи, Бухоро вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи ва бошқа қатор музейлар билан ижодий ҳамкорлик ижобий самара бермоқда. Мамлакатимизда ёш авлодни маънавий етук, ватанпарвар ва инсонпарвар кишилар сифатида тарбиялашда миллий қадриятларимиз муҳим ўрин тутди. Бу қадриятларни ўрганиш, тўплаш, замон талабларига мос равишда ривожлантириш зарур. Шундангина миллий қадриятларнинг қиммати ошади, келгуси авлодларга янада бойиган ҳолда етиб боради. Музейлар ўсиб келаётган ёш авлодни ажодларимизнинг тарихий анъаналарига садоқат, ўзбек халқининг юксак мақсадларига ишонч руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутди.

М.ТОШБОЛАТБЕГА, Т.ОТАЖОНОВА,

Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи ходимлари



» Ёзув ислохоти



Ёзув жамиятда муҳим ўрин тутувчи, иш юритувчи, керак бўлса, кишининг шахслигини кўрсатиб берувчи воситадир. Инсоният ўз тарихи мобайнида турли ёзувларга дуч келган. Ҳукмронлик кимнинг чекига тушса, ўша ўз сиёсатини, тилини, ёзувини киритган ва сингдирган. Бир неча минг йиллик тарих бунга гувоҳлик беради.

Замонга хос алифбо

Аммо, минг шукурки, ёзувимиз ислоҳ қилиниб, аста-секинлик билан амалиётга жорий этилмоқда.

Барчамизга маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришгач республикада ўзбек ёзувини рус графикасидан яна лотин графикаси асосидаги ёзувга ўтказиш ҳақида фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. Бу масала бир йил давомида оммавий ахборот воситаларида кенг жамоатчилик иштирокида атрафлича муҳокама этилиб, 1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг "Лотин ёзуви-га асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Қонуни эълон қилинди. Ушбу алифбо 31 ҳарф ва бир тутук белгиси (апостроф)дан иборат деб белгиланди.

1995 йилда эса мазкур Қонунга ўзгартишлар киритилди. Унга кўра, "31 ҳарф бир тутук белгиси (апостроф) "26 ҳарф ва 3 та ҳарфлар бирикмаси" сўзлари билан алмаштирилди. Эндиликда эса 2023 йилда тўлиқ ўтадиганимиз, лотин ёзуви-га асосланган ўзбек, яъни 28 ҳарф ва 1 та ҳарфлар бирикмасидан иборат алифбо жорий қилинди. Ҳукумат қарори билан 2023 йил 1 январдан бошлаб барча ташкилотларда иш юритишда лотин ёзуви-га асосланган ўзбек алифбосига тўлиқ ўтилиши белгиланди. Бундан ташқари, марказий, маҳаллий босма ва электрон ОАВ, интернет сайтлари, нашриётлар, матбаа корхоналари фаолияти тўлиқ лотин ёзуви-га асосланган ўзбек алифбосига ўтказилди.

Алифбога назар ташлар эканман, ёши улуғлар учун тушунилиши бироз қийин кечаётган ҳарфлар бирикмасининг қайма-қаллиги айтиш мумкин бўлганини англадим. Баъзи сўзларда ёзма ён келган "S" ва "H" билан "SH" ҳарфининг алмаштириб қўйилиши, "O" ва "G" ҳарфларини ёзишда илмоқларнинг турлича қўйилиши, айниқса, бу ҳолат босма ёзувда ҳам бир қанча муам-

моларни келтириб чиқараётгани сир эмас эди. Назар ташлайдиган бўлсак, лотин ёзувида мавжуд бўлган "С" ҳарфи яқка ҳолда ҳеч қандай маъно касб этмас эди. У фақат "ch" ҳарфлар бирикмасини ёзиш учун восита эди, холос. Эндиликда эса компьютер тугмасини эгаллаб турган ушбу ҳарф алоҳида илмоқни олиб, ўз маъносини топгани ҳам қувонарли ҳолатдир.

Хўш, МУАММО НИМАДА? Муаммо шундаки, ушбу алифбога ўтиш жараёни илгаригидек бўлмаслиги керак. Замон шиддат билан ривожланмоқда. Ҳар кунини бир янгилик, ҳар кунини мисли кўрилмаган қашфиётлар, ҳар кунини юксалиш ва янгиликлар... Шундай экан, алифбомиз ҳам тезлик билан амалиётга жорий этилиши, халққа танилиши, сингдирилиши, етказиб берилиши, саводсизликнинг олди олиниши зарур. Бунинг учун ҳозирданок ҳаракатлар бошлангани, онлайн дарслар орқали ёши улуғ инсонларнинг ушбу алифбони ўзлаштириб олишларига ёрдам берилиши, жоиз бўлса, жойларда ўқув курслари ташкил этилиши, аҳолини ушбу курсларга жалб қилиш чоралари кўрилиши лозим деб ўйлайман.

Таблимга тегишли бўлгани учунми, ушбу муаммо мактабларда, олий ўқув юртиларида унчалик кўзга ташланмайдиган. Аммо бошқа ташкилотларда, минг афсуслар бўлсинки, ёзув масаласига панажа ортидан қаралмоқда. Кўпчилик ҳалигача кирилл ёзувидан воз кечолмай, ўз билим ва қўникмасини бойита олмайпти.

Аниқ мақсад қўйилди: 2023 йил 1 январь... Бу борада тарғибот ишларининг ҳам ўрни катта. Ҳар хил ёзувда "кириллчага ўтир", "лотинда бўлсин" деган талабларга барҳам беришнинг вақти келмадимикан?

Сожида СУЯРОВА, Тошкент вилояти Оққўрғон тумани 12-умумий ўрта таълим мактаби тарғиботчиси

Халқаро ҳамкорлик

Туркия ташқи ишлар вазири Марғилонда



Шу йилнинг 15-16 июль кунлари Тошкентда бўлиб ўтadиган "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдид ва имкониятлар" мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Туркия ташқи ишлар вазири Мевлут Чавушоглу Марғилон шаҳридаги Хунармандлар марказига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Озодбек Назарбеков ҳамроҳлигидаги

юқори мартабали меҳмонни Марғилон шаҳар ҳокими Адҳам Зиявитдинов, бошқа расмийлар шаҳар маданият маркази қошидаги "Марғилон миллий чолгулари" халқ ансамбли иштирокида тантанали кутиб олдилар.

Хусусий тадбиркор Иброҳимжон Султонов ташаббуси билан давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган марказда тайёрланаётган маҳсулотларнинг 95 фоизи ҳозирги кунда Туркия давлатига экспорт

қилинмоқда. 400 нафар уста-хунарманд томонидан тайёрланаётган 200 дан ортиқ турдаги атлас ва адрас тўқиш, гиламчилик, майший хизмат, тикувчилик, хунармандчилик маҳсулотлари меҳмонларни ҳайратга солди.

Айниқса, шаҳардаги 8-болалар мусиқа ва санъат мактабининг истеъдодли ўқувчилари ижросида янграган дилтортар куй-қўшиқлар ҳамда дилрабо рақслар гулдастаси тадбир иштирокчиларига кўтаринки кайфият улашди.

Кун суҳбати



Вирусология илмий-текшириш институтининг бош шифокори, тиббиёт фанлари доктори Мухайе Асилова билан суҳбат.



“Ҳаёт-мамот масаласи турганда, ҳозир шу бизга зарурми?!”

– Мухайе опа, келинг, суҳбатимизни вакцинация жараёналаридан бошласак. Юртимизга олиб келинаётган вакциналарга кўпчиликда ҳалигача шубҳа ва хавотир бор. Чунки кимлардир эмланнинг ножўя таъсирлари ҳам учраб турибди. Бунга сизнинг муносабатингиз қандай?

– Мен ниманики гапирсам, тажриба ва кузатувларимга асосланман. Ўтган йил ноябрь ойида ходимларимиз эмлаш жараёналарида фаол қатнашди. 7 минг нафар эмланганлар орасида улар ҳам бор эди. Хитой-Ўзбек вакцинасининг 3-босқичи айнан Ўзбекистонимизда ўтказилди. Ҳеч қандай ножўя таъсирлар, яъни анафилактик шок кузатилмади. Албатта, эмлангандан кейин одам 1-2 кун лоҳас бўлиши, тана ҳарорати кўтарилиши, ўзини ёмонроқ ҳис қилиши мумкин, бу табиий ҳолат. Лекин бу белгилар ҳам тез ўтиб кетган.

Институтимиз тадқиқот маскани бўлгани учун ушбу мавзуга доир кўплаб ишлар қилинган. Яқин текширувларимиздан бирида шифохонамизда бир йил олдин (март, апрел, май ойларида) даволашиб кетган 372 нафар беморни тақлиф этиб, уларнинг қон зардобидидаги антитаначалар миқдорини ўргандик. Бунда беморларнинг 70 фоизидан антитаначалар сақланганига гувоҳ бўлдик. Лекин улар орасида антитаначалари йўқларини ҳам кўрдик.

– Демак, бемор касаллиқни бошидан ўтказган, бироқ унда антитанача ҳосил бўлмаган, шундайми?

– Афсуски, шундай. Яна текширган беморларимизнинг 30 фоизидан антитаначалар жуда кам ҳосил бўлган ва 1 йилгача сақланмаган. Айрим манбаларда ёзилишича, бошқа жойлардаги беморларда антитаначалар 3-5 ойгина сақланган. Шундан билдикки, ҳар битта вируснинг ҳолати географик.

– Маълумки, вирус жонли, мутацияга киришади. Шунинг ортидан бугун бутун дунёга турли штаммлари тарқалиб кетди. Бизга улар ҳақида ҳам маълумот берсангиз.

– Биласизми, шифохонамиздан 8,5

ой давомида 3685 нафар коронавирус беморлари даволашиб чиқди. Айнан 2020 йилнинг апрель-май ойларида чартер рейслар келганида беморлар орасида ҳомиладор аёллар ва болалар жуда кўп эди. Ўшанда болалардаги клиник белгилар катталарга нисбатан бироз бошқачароқ бошланарди. Яъни тана ҳарорати кескин кўтарилиб, ич кетиши кузатилган (ўткир бошланиб, тез тузаларди), аммо зудлик билан даво чоралари қўлланилганда, узоғи 5-6 кунда ҳеч нарса кўрмагандек югуриб кетишарди. Шунинг учун муассасамизда бирорта болалар ўлими қайд этилмаган.

Энди таъкидлаганингиздек, бу вирус чиндан ҳам тирик мавжудот, жойлашган ўрнида узоқроқ яшашига ҳаракат қилади. Ўзининг кўренишини ўзгартириши ва ҳар қил тусга қиради. Шу боис ҳам янгича штаммлар юзага келяпти, деб ўйлайман.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ўтган йилнинг ноябрь ойидан муассасамиз яна ўз беморларини қабул қила бошлади: сурункали ва ўткир гепатитлар, ичи кетганлар, циррозлар. Баъзан улар орасида ковид тахлили мусбат чиққанлари ҳам учради. Биз эса улар билан оддий ҳалат ва никоҳда мулоқот қилишимизга тўғри келди. Лекин ҳодимларимизнинг 50 фоизидан кўпи ковидни бошидан ўтказгани ва эмлангани учун қайта юқиш ҳолати бўлмади. Бу жуда ҳам яхши дегани.

Аммо бир беморимиз Ҳиндистонга чиқиб келган экан, тахлил топширса, натижаси мусбат чиқибди. Биласизми, бу бир йил давомида бизда ётиб, даволашиб кетган беморлар орасида биринчи қайта юқиш бўлди. Бироқ мен уни бошқача изоҳламоқчиман. Айрим ҳолатларда кимлардир 1-2 ойдан кейин тахлили мусбат чиқди. Бу қайта юқишми ёки... ҳуллас, исботлаш керак. Чунки коронавирус организмга тушган узоқ вақт сақланиш хусусиятига эга ва у тўхтатилиб турган бўлиши мумкин (жуда кам ҳолдорда). Кейин айрим сабабларга кўра, масалан, совуқ ўтганиданми миқдори жад кўпайиб, репликация ҳолати юз

беради. Шунда тахлил натижаси яна мусбат чиқиши мумкин.

– Нима деб ўйлайсиз, бизни олдинда коронавирусга ўхшаш бошқа вируслар ҳам кутиб турган бўлиши мумкинми?

– Мен институтни 1988 йилда тугатганман, 33 йилдан бери тиббиёт соҳасида ишлаётган бўлсам, устозимиз Шавкат Ходжаевичнинг (ҳозир 90 ёшдан ошган) кўп тақрорлайдиган бир гаплари сира эсимдан чиқмайди. У киши ўз маърузаларида “XX аср – бактериялар, XXI аср – вируслар даври бўлади”, дерди. XXI асрда яшамиз, демак, вируслар албатта бўлади. Вирус ҳар битта иқлимга мослашиб, ҳар битта организмда ўзининг турли хусусиятларини намоён қилиши мумкин.

Ҳозирги кунда “Нима учун Ковид-19, ахир биз 2021 йилдамыз”, “Вакциналар 2019га мослаб чиқарилмаганими?”, деган саволлар кўп берилган. Йўқ, Вирус 2019 йилнинг декабрида аниқланган бўлса, Ўзбекистонда январь ойидан бошланди. Яъни 2020 йилда эмланш режалаштирилган, 2021 йилда тажриба қилинган ва ўрганилган, талабларга жавоб бериши кузатилиб, кейин оммавий ишлаб чиқариш бошланган. Ўйланманки, бу ўз натижасини беради.

– “Вакциналарнинг қайси бири яхши”, деган савол ҳам кўп берилди...

– Тўғри айтасиз, лекин буни вақт кўрсатади. Ҳар битта илмий иш, ҳар битта эмлаш натижаларини ўқриш учун йиллар керак бўлади. Яъни қандай масъумини – қиш, баҳор, ёз, кузнинг ўтказиш лозим. Ўзи бунга 3 йилдан кейин жавоб берса бўлади. Беморларни даволаб, улар орасида юрган мутахассис сифатида шуни айтишим мумкинки, бу касаллик оддий гриппдек эмас. Унга жуда ҳам жиддий қараш зарур. “Эмланмайман, керак эмас”, деган сўзларга ўрин йўқ. Бунинг 5,5 ой давомида жон талашган ҳасталар билан яшаган шифокор сифатида айтламан. Шунинг учун ёлғиз ўғлимни ҳам биринчилардан бўлиб эмлатдим.

– Гувоҳи бўлдик, коронавирус ёшу қарини, соғлому касални бир

хил хавфга қўйди. Масалан, кимлариндир орамиздан олиб кетяпти. Нима деб ўйлайсиз, иммунитет, ёндош касалликлар, ирсий мойилликдан ташқари бу дардда яна қандай омиллар кишиларни маҳв этиши мумкин?

– Тан олаимизми-йўқми, лекин ордан бир йил ўтса-да, вирус биз учун ҳали ҳам янги. 3-4 йилдан кейингина у ҳақда аниқ бир фикр айтиш мумкин. Бироқ ўтган йилнинг июль-август ойларида шифохонамизга 35 – 55 ёшгача бўлган эркак беморлар жуда кўп мурожаат қилишди. Қизиги, уларнинг аксарияти йўлдош касаллиги бўлмаган соғлом эркеклар. Лекин шу даражада оғир ахволда эдики, сатурацияси 50 дан пастни кўрсатарди. Юраги қаптарниқига ўхшаб уряпти – 120-130 бўлиб кетяпти. Бу вирус ёшга деярли қарамайди. Кейин билсак, соғлом эркекларимизда патологик иммунитет кескин ошиб кетган экан. Буни қандай изоҳласам бўлади, масалан, “Жаҳл чиққанда ақл кетади” дейишди-ку, яъни айримлар жаҳли чиққанида қўлига нима тушса, отади. Организмда ҳудди шундай патологик иммунитет ҳосил бўлди.

– Демак, ўта кучли иммунитет ҳам хавф туғдирар экан-да?..

– Лекин ҳаммада ҳам эмас, асосан уйда даволанган, кеч мурожаат этганларда шундай ҳолат кузатилади. Яъни бу касаллик 5-6- ҳафта 10-12-кунлари жудаям хавфли бўлади. Бемор яхши юради, ишонмайди касал эканига, битта иссиғи чиқиб, тўхтади. 5-6-кунга яна иссиғи чиқди. Яна тана ҳароратини туширадиган дори ичади ва безовталиқ ўтиб кетади. Аммо 10-12-кунга ҳансираш, нафас сиқиши, юрак уриши тезлашиши кузатилади. Кўкрак қафаси МСКТ қилинганда, ўпка 40-50-60-80 даража зарарлангани, фиброз бўлганини кўрсатади. Шундан кейингина улар шифокорларга мурожаат қилишади.

– Бугун ижтимоий тармоқларда ҳозирги коронавирусни штаммлари аломатларсиз ўтиб, тўғридан-тўғри ўпкани зарарлангачи, деган гап-сўзлар тарқалган. Бу қанчалик

ҳақиқат?

– Очигини айтганда, вирус ҳаммада ўзига хос кечаяпти. Авваллари кўпчилик таъминот билмаслиқдан шикоят қилган бўлса, ҳозир аксариятида бу аломатлар йўқ. Ҳақиқатан, гапингизда жон бор. Тажрибага таяниб шуни айтиш мумкинки, барийбир ковидга хос белгилар бўлади, масалан, ҳолсизлик, кўп уйку чақириши ва ҳоказо. Айниқса, охириги пайтларда ўта ҳолсизликдан шикоят қилиб, юришга ҳам, гапиришга ҳам мадори йўқлигини айтиётганлар кўп.

– Шундай экан, мутахассис сифатида маслаҳат беринг, нима қилайлик?

– Гапнинг лўндаси, бу вирус билан яшашни ўрганишимиз керак. Атрофга қаранг, одамлар ошлар беришти, тўйлар қилишяпти қамида 200-300 та одамни тўлиб. Ҳаёт-мамот масаласи турганда, ҳозир шу бизга зарурми? Ору-ҳавас деб қанча одамнинг ҳаётини хавф остига қўйишяпти улар. Ўзи билмаган ҳолда сабабчи бўлиб қолаётганлар қанча!

Маслаҳатим, одам касал бўлдимки, ўзини алоҳидалаб, очик ҳавода кўпроқ юрсин, аллергия чақирмайдиган бакувват овқатларни есин, витаминга бой сархил мева-мевлар билан ўзини сиёласин, руҳий ҳолатини яхшиласин. Коронавирус касаллигидан бу жиҳатларга эътибор қаратиш жуда муҳим.

Мен кўп марта тақрорлайдиган, ҳатто ҳаллимга келса, қўриб кетадиган бир гапим бор. Худо кўрсатмасин, агар ўтган йилнинг март ойида июль билан август ҳолати бўлганида нима қилардик?... Ўшанда биз умуман тайёр эмасдик. Касаллиқнинг мукаммал давоси ҳам йўқ эди. Зангиота ҳам мукаммал қурилмаганди. Тошкентдаги барча шифохоналарни ёпган тақдиримизда ҳам июлдаги ахвол кузатиладиган жой етмасди, қанча-қанча фалокатлар бўларди... Карантин тадбирлари энг тўғри йўл бўлди. Шундай экан, тозалikka рия қилайлик, никоҳни тақайлик, масофани сақлайлик, ҳозирча биздан талаб қилинаётгани шу...

Шоҳида ИСРОИЛОВА
суҳбатлашди.

Истеъдод

Ёш ижодкорлар учун имконият



Хабарингиз бор, Маданият вазирлиги ҳамда “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси томонидан давлатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги олдида ёш истеъдодларни кашф қилиш ва уларнинг ижодини юзага чиқариш мақсадида, жорий йил 21 – 23 июнь кунлари кастинг ташкил этилган эди.

Асосан “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси ҳамда Ўзбекистон давлат филармонияси ҳудудий бўлимлари томонидан сараланган ёш истеъдод эгалари иштирок этган мазкур кастингнинг иккинчи bosқичи Ўзбекистон давлат

консерваториясида бўлиб ўтди.

Унда биринчи bosқичда сараланган ёшлар ҳамда санъат ва маданият йўналишида тахсил олаётган 40 нафардан зиёд истеъдод эгалари ўз ижодий чиқишлари билан иштирок этиб, соҳа мутахассисларидан иборат ижодий гуруҳ аъзолари кўригидан ўтишди.

Ғолиблар соҳанинг маҳоратли вакиллари билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва bosқичма-bosқич ўз ижод намуналарини халқимизга тақдим этиб бориш имкониятига эга бўладилар.

Устоз ижодидан руҳланиб

Эркин Воҳидов – чинакам Ўзбекистон қаҳрамони, шеърят деб аталмиш гўзал, ажиб дунёнинг порлок, сўнмас қуёши. Устозимиз қолдирган маънавий меросга кўз югуртирар эканман, ҳар гал янги маъно, янги моҳиятни англайман. Ҳар бир ижод намунаси мени ўзига ром этибгина қолмай, мулоҳаза қилишга, қўлга қалам олишга чорлайди. У кишининг гўзал қобилият эгаси эканини ҳажвий шеърлари ортга яширинган чуқур фалсафадан билиб олиш мумкин.

“Тандир ҳақида эртак”

Устознинг ҳар бир шеъри юксак гоё устида яралган. Мисол учун, “Камтарлик” шеърини олайлик, у жуда содда тилда ёзилган, лекин маънан гоёт лишиқ. Шеър билан танишган кексаю ёш бир хил тушунчага эга бўлади. Бундай гўзал образлар ўқувчининг адабиётга кўнгил қўйишига хизмат қилади.

20 ёшда яратилган ушбу ибратли шеър асли ўша даврда бу инсоннинг буюклигини башорат қилган эмасми?! Ёшу қари бирдек тушунадиган, содда ва мукамал шеърдаги образлар шундай маҳорат билан ёритилганки, шоир ўхшатишларига тасанно айтмасликнинг иложи йўқ.

Гарчи шунча мағрур турса ҳам,
Пиёлага эгилар чойнак.
Шундай экан, манманлик нечун,
Кибру ҳаво нимага керак?

Камтарин бўл, ҳатто бир қадам,
Ўтма гурур остонасидан.
Пиёлани инсон шунинг-чун
Ўпар доим пешонасидан.

Устознинг халқи учун ёниб-куйиш шеърларида ҳам ўз аксини топган. Уларнинг ҳар бир мисраси жасурликнинг тараннум этади. Ҳар бир ишққа чанқоқ юракни ҳаяжонлантириб, ларзага солади. Бу сеҳрли мисралар мудроқ юракларни уйғотишга қодир.

Менинг юрак-юрагимдан жой эталлаган, ўзбек халқининг қадр-қиммати, ҳақиқати ҳақида сўзловчи “Тандир ҳақида эртак” номли шеърлари кўлимга қалам тутқазди. 1977 йил ёзилган бу ижод намунаси устознинг ўзи каби боқий, ҳамон ўз муҳлисларига эгадир. Ундаги гўзал таърифларда ўзбек халқининг камтар ва борига шукрона келтириб, аҳил яшаганликлари ўз ифодасини топган.

Мўъжаз ҳовли,
Пастгина девор,
Пастаккина тандири билан;
Яшар эди кичкина бир чол,
Кичкина бир кампири билан.

Кичкина ҳовлида яшовчи чол ва кампир бели букилган ҳолда ҳам ҳамиша бир юмуш билан бандлиги, камтарига кексаларнинг камтарона турмуши, тандирнинг ўрни, нон қадрли содда ва гўзал ёритилганлиги шоирнинг халқ ҳаётига бефарқ эмаслигини англатади.

Яшардилар камтар ва ҳалол,
Осойишта тақдири билан.

Пичоқ чархлар эрмак учун чол,
Кампири банд ҳамири билан.

Кампир билан чол уйлари бузилиш ҳақидаги миш-мишни эшитган кундан ҳаловатлари йўқолганлиги,

қанчадан-қанча хотиралар гувоҳи бўлган бу кичик ҳовлидан кўнгил узолмаган кексаларнинг ҳолати воқеани бошлаб беради. Катта хотираларни бағрига сиғдирган кичик ҳовли нақадар қадрли эканлиги ёритилади. Ҳовлидаги бир туп олуча эртак-ка янада жило бахш этади. У болалигимиздаги хотираларни жонлантириб, буюмиз қўлимизга тутқазган бир ҳовуч олуча туршагини ёдимизга солиб, юракларни тўлқинлантириб юборади. Ўқувчи воқеа қандай тус олишини билиш учун тезлик билан китоб варақлашга киришади.

Нафақа бор,
Чол-кампир мамнун,
Дарахт ҳам бор – бир туп олуча.
Лекин шу тор ҳовлидан бир кун
Ўтар бўлди каттакон кўча.
Улар бу гап таркаган кундан
Мунгайишиб сўлиб қолдилар.
Бамисоли ини бузилган
Мусичадек бўлиб қолдилар.

Конли уруш даврида қанчадан-қанча мард ўғлонлар, ота-оналарининг кўзини ёшлаб, Ватан учун жон фидо этганликлари кўз олдимизда гавдаланиб, 60 ёшли икки ўғлидан ҳам жудо бўлган қарияларнинг сабридан сабоқ олишга, фикрлашга, улар дардини англашга ундайди. Бу эртак яшаш ҳақиқатини, ҳаётнинг пасту баландини ҳикоя қилади.

Ўз бошидан кечирган билан,
Ўйлаб кўринг, осонмас, ахир,
Шу ҳовлида турган эдилар
Нақолтмиш йил чол билан кампир.
Улар бунда кўрди гўшанга,
Икки ўғил ўстирди ўктам.
Кузатдилар икковин жангга,
Қайтгани йўқ аммо бири ҳам.
Мана,
Ўй ҳам бузилар энди,



Тан бердилар яна тақдирга.
Фақат улар ўрганган эди
Парча ерга, пастак тандирга.

Унда тақдирни ҳеч ким ўзгартира олмаслиги Аллоҳ томонидан берилган қисмати қўнмоқлик кераклиги ҳам ёритилади.

Ўй масаласида ҳам чол-кампир ҳеч қаерга мурожаат этмайдилар, борига шукроналик билан сабр қилишади. Нолишни, арз қилишни ўзларига муносиб кўришмайди.

Бошқармага қатнамади чол,
Райсоветга юрмади кампир.
Пешонада борини алхол,
Юрт қатори кўрармиз, ахир.

Не қилардик,
Кўпга келган тўй,
Нолиш бизга ярашқ ишмас.
Тегар ахир бизга ҳам бир уй,
Кўча-кўйга ҳайдаб қўйишмас.

Шунча шинам ва гўзал шароитлардан жуда мамнун бўлсалар-да, қадрдон тандирнинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Тандирда пишган мазада нонсиз туролмаган чол-кампир бу сафар Райсоветга мурожаат этишади. Улар тандир учун бор кучлари билан ҳаракат қилишади.

Охир-оқибат муаммога айланган тандирга жой ҳам топилади. Кўни-кўшнилари ҳашар йўли билан тандирни қуриб беришади. Эртакда ўзбек халқининг урф-одаи билан бир қаторда кўнгли тоза экани, нон қадрли, катталарни ҳурмат қилишлик, сабр ва ирода, меҳр-оқибат сингари гоёлар илгари сурилган. Кўшнилари тандирни ҳашар йўли билан қуриб беришлари ўзбек халқининг меҳнатдан қочмаслиги, кўшниларнинг ўзаро муносабати ва меҳр-оқибати гўзал қўрунишлар билан гавдалантирилган.

Шундай бўлди,
Бердилар уй ҳам,
Кўчирдилар кўрсатиб ҳурмат.
Бирам ёруғ,
Озода, шинам,
Ҳаммадан ҳам... биринчи қават!

Кампир чолни чимчилаб кулса,
Хуш келади чолга қилиғи.
Бир жўмракдан совуқ сув келса,
Бир жўмракдан келар илиғи.

Олпоқ ванна,
Газхона... роҳат,
Ҳатто пўчоқ ташлашга пақир...
Ҳамма нарса жойида,
Фақат...
Фақат бунда йўқ экан тандир.

Бусиз улар бир кун туролмас,
Татимайди берса жаҳонни,
Чол қурмағур оғзига олмас
Газ ўчоқда пиширган нонни.

Бошқармага арзга борди чол,
Райсоветга қатнади кампир.
“Қандай кечар тандирсиз ахвол,
Ўй керакмас бизга бетандир”.

Бошқармага елка қисдилар,
Райсоветда бўлдилар хайрон.
Жилконторда шартта кесдилар:

“Йўқ, бўлмайди тандирга имкон”.

“Ҳеч бир ерга кўндириб бўлмас,
Гап шу, – деди ЖЕКнинг раҳбари, –
Ҳамма руҳсат берса ҳам, кўнмас
Ўт ўчириш ташкилотлари.

Бошда ҳеч ким қилмаган ҳаёл,
Проекта қўшмаган, ахир...
Сабаблари тушунмади чол,
Далилларга кўнмади кампир.

Икковин ҳам тегди тишига,
“Аммо”, “Лекин”, “Ҳа”, “Албатта”лар.
Хуллас калом, тандир ишига,
Аралашди охир катталар.

Бошқармада дедилар мумкин,
ЖЕКдагилар топдилар тадбир.
Баланд уйнинг ёнида бир кун
Чол-кампира курдилар тандир.

Кўшнилари ҳам қараб турмади,
Ким гишт терган,
Кимдир қорган лой...
Тушмади ҳам ЖЕКнинг ҳурмати,
Топилди ҳам тандирга мос жой.

Гўзал берилган таъриф, қўруниш шеърда янада файз жило бағишлайди. Тандирдан таралаётган нон иси ҳатто ўзбек чақалоғига ҳам танишлик, сахарлаб ёпилган нон эшикдан рискдек кириши, хонадонга файз ва барокат эканлиги шеърдаги мазмун-моҳиятни очиб бериб, кўтаринки руҳ билан яқунланган.

Устознинг ўчмас шеърляти ёш авлод учун пойдевор вазифасини ўтайди. Уларнинг шукроналик, меҳр-оқибат туйғулари билан улғайишига хизмат қилади. Шунинг учун ҳам Эркин Воҳидов асл шеърляти билан ҳамиша барҳаётдир.

Ирода ЗИЁЕВА,
Фарғона вилояти тирихи ва
маданияти давлат музейи
илмий ходими

Масъулият

Хорижлик сайёҳ телефони топиб берилди

2021 йилнинг 10 июль куни Хоразм вилояти ИИБ хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси ходимлари Украина Республикаси фуқароси Семен Копилов томонидан мурожаат келиб тушиб, ўзига тегишли бўлган iPhone 11 Pro русумли телефон аппарати эҳтиётсизлиги оқибатида йўқотиб қўйилгани ва уни топишда амалий ёрдам беришлари сўраган.


Ушбу мурожаатга асосан, Хоразм вилояти ИИБ ХТТБ тезкор бўлини ходимлари томонидан олиб борилган тезкор суриштирув ишлари натижасида меҳмонга тегишли iPhone 11 Pro русумли телефон аппарати топилиб, ўз эгасига соз ва бут ҳолатида қайтарилган.

Чет эллик сайёҳ Хоразм вилояти ИИБ хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси ходимларига ўз миннатдорлигини билдириб, Ўзбекистонга ташриф буюрганидан хурсанд эканини айтган.

Хоразм вилояти ИИБ ХТТБ хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси



Мозийга назар



Довон — водийнинг илк давлати

Қадимда Даван ва Паркана номи билан машҳур бўлган, аждодларимиз томонидан Фарғона водийсида барпо этилган бу давлат юртимиз ҳудудидаги кўхна манзиллардан саналса-да, унинг тўлақоғли тарихи хусусида ҳозиргача батафсил маълумотлар йўқ.



Фарғона водийсидаги давлат — Даван (Улуг Ван) деб аталган. Ваҳоланки, водий ҳам аждодларимизнинг маданий, ўтроқ ҳаёт кечирган, ўз давлатчилигига эга мустақил ҳудуд сифатида Хоразм, Бактрия сингари қадимги давлатлар билан тенглаша олишига ҳеч бир шубҳа йўқ. Буни милoddan аввалги II аср бошларида ўлкага ташриф буюрган Хитой элчиси Чжан Цян ёзиб қолдирган эсдаликлар ҳам исботлайди. Манбаларда айтилишича, бу даврда Фарғонада 300 минг нафар аҳоли яшаган. Унинг 70дан зиёд катта-кичик шаҳарлари бўлиб, уларда савдо-сотиқ, ҳунармандчилик юксак даражада ривожланган. Мамлакат пойтахти Эрши (ҳозирги Андижон вилоятининг Марҳамат туманида жойлашган) ўз даврининг обод, кўркем ва аҳолиси гавжум шаҳарларидан ҳисобланган. Қадимги Ўзган, Косон ҳам Даванининг энг машҳур шаҳарлари сирасига кирган. Даван ҳудудида 10дан ортиқ йirik деҳқончилик манзилгоҳлари мавжуд бўлиб, уларда ерли аҳоли шол, бугдой, пахта ва бошқа деҳқончилик экинлари етиштириш билан шугулланган. Хусусан, Аравонсой, Оқбўра, Султонобод, Қўргонтепа, Андижонсой, Мойлисои, Улугнор, Йилгинсой, Шахрисабз каби деҳқончилик маконлари бу борада етакчилардан бўлган. Хитой сайёҳи водийда узумчилик ниҳоятда ривожланганига, шу билан бирга ундан ноёб шарбат ва узок муддат сақланидиган, қуввати ўткир винолар тайёрлаш ишлари жуда яхши йўлга қўйилганлигига алоҳида урғу беради.

Шунингдек, давлат ҳукмдори мамлакат ҳаётига оид ҳар қандай ички ва ташқи масалаларни ҳал этишда Оқсоқоллар кенгашига, унинг маслаҳатлари ва йўл-йўриқларига суянган. Айниқса, уруш ва тинчлик, элчилик алоқалари масаласида оқсоқоллардан иборат Олий кенгаш алоҳида ваколатларга эга бўлган. Хитой Фарғона давлатининг фаровон турмушига, бойликларига кўз олайтирган. Душманлар Даван давлатини ўзларига бўйсундириш учун бир неча бор катта қўшин билан бостириб келишган. Даванликлар (кейинча-

лик Довон бўлиб кетган) ўз қўшинлари, Хоразм ва Кушонларнинг ҳарбий ёрдами билан юрт мустақиллигини сақлаб қолишга муваффақ бўлишган. Айтиш мумкинки, Фарғонанинг учқур аргумоклари, Довон отлари нафақат Хитой, балки бошқа халқлар орасида ҳам жуда қадрланган. Шунинг учунми, қадимги Фарғонада наслдор отлар асосий экспорт маҳсулоти ҳисобланган. Савдо йўлларида эса самовий отлар тасвири ҳам сақланиб қолган. Чжан Цян Шарқий Туркистон орқали Фарғона ва Марказий Осиёнинг бошқа ғарбий вилоятларига олиб борадиган йўлни очгандан кейин кўплаб Хитой элчилиги ва савдо қарвонлари бу ўлкага тез-тез келиб туришган. Шу вақтлардан бошлаб домий равишда савдо қарвонлари ҳаракати йўлга қўйилган ва бу қарвон йўллари тарихда "Буюк ипак йўли" номи билан дуврут қозонган. Бу йўлнинг бир йўналиши Фарғона орқали ўтган.

Бугунги кунда Фарона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейида Довон давлатига оид ёдгорликлар сақланиб келинмоқда. Хусусан, Хитой бронза ойналари, қарвон сувдонлари ва Ҳинд океанидан олиб келинган қаури чиганоқлари шулар жумласидандир. Шунингдек, милoddan аввал Хитойда зарб этилган бронза тангалар ёки Хитой лаки билан сайқаланган буюмлар қолдиргани топиш будавр манзилгоҳларига хос қўринишидир.

Фарғонадан отлардан ташқари қуритилган мева, тери, жун, қимматбаҳо металллар ва бошқа нарсалар ҳам экспорт қилинган. Бу ҳудуд Ўрта Осиё етимоий сиёсий ҳаётида содир этилган кейинги муҳим ўзгаришлар жараёнида ҳам ўз нисбий мустақиллигини бир мунча вақт сақлаб қолишга муваффақ бўлган. Ҳозирги кунда юртимиздаги энг қадимги давлатлардан саналган Довоннинг тарихини чуқурроқ ўрганиш бўйича ўзбек олимлари, шунингдек, Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ҳодимлари изланишлар олиб боришмоқда.

Ш.АЗИЗОВА, сектор мудири

Бардавом санъат

Кандакорлик буюмлари

Ўзбек халқ амалий безак санъатининг энг кенг тарқалган турларидан бири кандакорликдир.

Кандакорлик деганда металлдан ясалган бадий буюмларга ўйиб ёки бўртиқ қилиб нақш ишлаш тушунилади. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган Ўрта Осиё шаҳарларида металлдан ясалган бадий буюмлар ишлаб чиқариш қадимдан ривожланиб келаётган санъат тури бўлиб, қўлолчиликдан кейин иккинчи ўринда туради.

Савдо-сотиқда қадимдан кандакорлик буюмларига талаб катта бўлган. Бу асарлар рамзий ифодаларнинг янги услублари ҳамда ғояларини тарқатиш манбаи бўлиб хизмат қилган. Маҳаллий санъат асарлари қўшни мамлакатлар санъатининг энг яхши ютуқлари билан бойиб борган. Қадимда буюм ясау урф бўлган. Маҳаллий усталар олтин, кумуш, жез, мис ва бошқа металллардан ҳар хил буюмлар ясаган.

Нақш ёки тасвир замини пўлат қалам (асбоб)лар ёрдамида чуқур ёки саз ёйилади. Замин саз ёйилганда рангли лоқлар билан бўялади, пардозланади, чекма, ўйма, каттак, параллел кесма чизиклар билан жило берилди. 1930 йиллардан металл сиртига кимёвий моддалар таъсир эттириб нақш, тасвир яратиш усули ҳам (илк бор Тошкент бадий ўқув ишлаб чиқариш комбинатида) қўлланилган.

Археологик топилмалар кандакорлик бадий ҳунармандлик тури сифатида Ўрта Осиё (жумладан, Ўзбекистон ҳудуди)да жуда қадимдан мавжудлигини кўрсатади. Дастлаб буюмларга афсоналардаги қаҳрамонлар тасвири ишланган. Араблар истилосидан кейин тасвирлар ўрнини хандасий нақшлар, безак даражасига етказиб ишланган араб ёзуви (байт) эгаллаган. Темурийлар даврида янги усулларнинг юзага келиши натижасида кандакорлик



санъати янада ривожланди, безак турлари кўпайди. XVIII-XIX асрларда Бухоро, Самарқанд, Хива, Қўқон, Қарши, Шахрисабз, Тошкент каби шаҳарларда кандакорлик марказлари бўлган. XIX асрнинг сўнги чорагида кандакорлик маҳсулотларига бўлган талабнинг ортиши уларни sanoatда қўлиб ёрдамида кўп нусхада ишлаб чиқаришга олиб келди. Бу, ўз навбатида, кандакорлининг маълум даражада сусайишига сабаб бўлди.

Ўзбекистонда XIX аср охирига келиб, ўзига хослиги, зарбнинг чуқур ёки сазлиги, нақшлар юзаси ва заминини безашда қўлланиладиган усулларга кўра, бир-биридан фарқланган кандакорлик (Фарғона, Тошкент, Бухоро, Қарши-Шахрисабз, Самарқанд, Хоразм) мактаблари шаклланди. Фарғона кандакорлик мактаби усталари (Абдуфозил Отауллоев, Мулла Сиддик Отауллоев ва бошқалар) буюмларни безашда кўркем боғлар, чаманзорларни эслатувчи нафис нақшларни саз, тор заминли қилиб ишлашган, ўзига хос тарзда пардозлашган, баъзан мужассамотга меъморий тасвирлар ҳам киритилган. Тошкент кандакорлик мактаби вакиллари йирик буюмларга анъанавий нақшларни йирикроқ қилиб ишлашган, безакда содда нақшлар (меҳроб, занжир, зулук, олмағул ва бошқаларни) қўллашган. Бухоро

ро кандакорлик мактаби вакиллари (Ҳаким Бухорий, Дўстмуҳаммад Ризо ва бошқалар) буюмларни ўртача ҳажмда нафис, байтларни кўп қўллаган ҳолда безаганлар. Қарши — Шахрисабз кандакорлик мактабида Бухоро таъсири кучли бўлган. Усталар буюмларни, шунингдек, шиша, феруза кўзлар қадаб безашган, нақш замини рангли лоқлар билан бўяган, баъзан буюм сирти қолипакчи усулида ишланган шакллар билан қўпланган.


Самарқанд кандакорлик мактаби вакиллари буюмларни шабака усулида (панжарасимон) безашган, нақшда шобарг кенг қўлланилган ва замини чекма гуллар билан пардозланган. Хоразм кандакорлик усталари (Ҳўжаниёз Сайитниёзов, Матқуб Жонибеков, Б.Ёқубов ва бошқалар) нақшошлар тайёрлаган ахталар ёрдамида мурраккаб буюмларни хандасий ва исломий нақшлар билан тўлдириб безашган. Бу мактаблар ўзаро алоқада бўлган, айрим уста кандакорлар ўз ижодларида турли мактаб усулларини қўллашган. XIX аср охири XX аср бошларида ясалган кандакорлик буюмлар шакли хилма-хил (қойдиш, мис кўза, коса, лаган, лаъли, кашқул, офтоба, қумғон ва бошқа) тайёрланган ҳамда ниҳоятда нозик ва бежирим нақшланган.

XX асрнинг 20 йилларидан усталар артелларга бириктирилди. Кандакорлик цехларида ижод қила бошлаганлар турли мактаблар анъаналари, усулларидан фойдаланиб, бадий буюмлар (қойидиш, мис кўза, мис лаган, сатил, офтоба, дастўйи, қумғон ва бошқалар) тайёрлашди. 60-йиллар бошларида артеллар тугатилиб, маҳаллий sanoat корхоналари, Қўқонда Л.Фозилов, Бухорода С.Ҳамидов, М.Мухаррамов, А.Ҳамидов, Хивада Е.Бекжонов бошчилигида кандакорлик буюмлари ишлаб чиқарилди.

М.ЗОКИРОВА,
Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи катта илмий ходими



Эзгулик

Хулоса
ўзингиздан!

Европада бир кекса одам нон ўғирлагани учун хибсга олиниб, судга юборилибди. Чолабига икрор бўлибди: "Мен жуда оч эдим, егани ҳеч нарса қолмаган эди".

Уни тинглаган судья шундай қарор чиқарибди: "Сизнинг ўғирлик қилганингиз ошқордир ва сизга 10 доллар тўлашингиз ҳақида ҳукм чиқараман. Биламан, бу пулни тўлай олмайсиз, шу-

нинг учун ўрнингизга мен тўлайман".

Суд залига жимлик чўкибди. Судья эса чўнтагидан 10 доллар олиб, бу кекса одамнинг тоvon пули сифатида хазинага олиб борилишини сўрабди. Кейин ўрнидан туриб, йиғилганларга шундай дебди: "Сизлар барчангиз айбдор-сизлар ва ҳар бирингиз 10 доллардан тўлашингиз керак аслида. Чунки сиз очликдан ўғирлик қилишга мажбур бўлган

одамнинг шахрида яшайсиз".

Бу гаплардан кейин суд залида 480 доллар миқдоридида маблаг тўпланибди. Судья йиғилган пулни қарияга топширибди. Сўнгра шуни қўшиб қўйибди: "Агар маданиятли одамлар яшайдиган шаҳарда фақирларни кўрсангиз, билинги, шаҳар ҳокимлари халқ мулкани ўғирлашмоқда".

Хулоса эса ўзингиздан!

Маънавият сабоқлари

Ривоят қилишларича, қақалоқ дунёга келиши билан унинг ҳовучига тўлдириб ризқи солинар экан. Шу пайт ёвузликлар қироли шайтони лаъйин пайдо бўлиб, ҳалиги ризқни сочиб юбораркан. Қақалоқ чирқираб йиғлай бошлар – менга аталган ризқни шайтон ерга сочиб юборди, энди мен нима қиламан – деркан. Шунда фаришталар: "Энди сен умринг давомида шу сочилган ризқингни излаб, топиб яшайсан" – деб жавоб беришар экан. Албатта, бу бир ривоят ҳолос. Аммо бутун инсон еб-ичиш илнжида ризқ излаб мағрибдан мағрибгача кезмоқда. Аслида бир бурда нону бир пиёла сув билан тўйдиган қорнимиз ташвиши билан бошимизни қаерларга урмаймиз?!

Киприкдан ҳам қисқадири молу-дунё йўллари,
Ибрат бўлсин Искандар очик кетган қўллари.
Узат дейсан, бер дейсан, ҳеч тўймадинг одамзод,
Туя тўйди, фил тўйди, сен тўймадинг одамзод.

Ризқ учун ҳаракат лозим(ми?)

Тўғри-да, инсон қанча уриниб, чирнамсин ўз ризқидан ортигини ололмаслигини билади, лекин барибир кўзи тўймайди. Йиллаб хориж юртларида сарсон кезади, қават-қават иморатлар солиш, ҳафталаб тўй қилиб, элга ош бериш, сўнгги русумда кийиниш-у, охириги чиққан автомашинани олиш умидида ризқидан ортигига интилади. Мўқаддас ҳадиси шарифларда лутф қилинишича, "Қуш эрталаб инидан чиқиб кетаётганда қақчалар оч, қайтаётганда қақчалар тўқ бўлган каби Аллоҳ ҳар бир бандасини ризқлантириб қўяди".

Аслида "Ризқ" сўзи кенг маънода еб-ичиландиган, кийиландиган, моддий ва маънавий жиҳатдан фойдаланиладиган барча эҳтиёж турларини ўз ичига олади. Ҳар бир жонзот хоҳ туғилгунга қадар, хоҳ умри давомида бўлсин турли ризқлар билан озикланади, камол топади ва умргузаронлик қилади. Ҳаётини берган зот гуруҳ-гуруҳ қилиб жонли мавжудотни йўқлик зулматида борлик дунёсига жўнатар экан, ризқларини ҳам қафолатлаган тарзда юборади. Яратган токи ҳаётдан кўз юмгунча уларнинг ризқини етказиб туради. Ахир дунёга келганимизда ҳамма нарсаша эмасмиди? Қуёшнинг чиқиб-ботиши, ёмғирнинг ёғиши, сувларнинг оқиши, дарахларнинг ўсиши, атрофимиз тоза ҳаво билан ўраб қўйилиши борасида бизнинг ҳеч қандай иштирокимиз ва ҳиссамиз бўлмаган. Чунки бизга ҳаётини бахш этган Аллоҳ зарур бўлган ҳамма нарсани ҳозирлаб қўйган ва вафот этганимизгача ризқимизни кесмаслигини билдириб, бизни ортиқча қайғудан халос қилган. Лекин биз нафс деган бало қўйига тушиб, белгиланган ризқимиздан ортигига интиламиз.

Биз ҳом сўт эмган бандалар боламга-чақамга деб тиним билмай йиғиб-терамиз. Ахир, уларнинг ҳам белгиланган ўз ризқ-насибаси бор-ку, демаймиз. Биз улар учун йиғиб терсак, тайёрига айёр бўлган фарзандларимиз бор нарсаларнинг қадрига етармикан, деб ўйламаймиз. Ёки ўзлари тиришиб-тирмашиб ҳаракат қилиш, меҳнат билан пул, обрў, мартаба топиш кераклигини англаб етмаймиз.

Ўқувчилик йиллари Сардор исмли синфдошимиз бўларди. Унинг да-

даси қўшни туманда ҳоким эди. Шу боис Сардор мактабда эркатой бўлиб ўқиди. Ўқитувчиларимиз ҳам унинг мактабга келиш-келмаслиги, дарсга кириш-кирмаслиги билан қизикмас, атрофида унинг соясига салом берадиган дўстлари кўп бўлиб, ҳамма унга қўллуқ қиларди. Мактабга уйи унча узок бўлмаса-да, отасининг ҳайдовчиси келтириб қўяр, болалар ўртасидаги муштлашувлар у сабабли содир бўлар, аммо доим сувдан қуруқ чиқарди. Мактабни тамомагаҳ Сардор энг нуфузли олийгоҳга ўқишга кирди. У ерда ҳам худди мактабдаги каби отасининг соя давлатидан баҳраманд бўлиб юрди. Аммо охир-оқибат меҳнат қилиб эришмаган олийгоҳ ҳам, диплом ҳам ўзига буюрмади. Отаси ишдан кетгач Сардорнинг ҳеч қим эмаслиги маълум бўлиб қолди. Бутун у хорижда мардикорлик билан шуғулланаётган экан.


Азимжон ака тўрт фарзандни савдогарлик билан тошган даромади эвазига вояга етказди. Икки ўғли тезгина ёнига кирди, каттаси отасига қўшилиб, мол учун хориж сафарларига бориб юрди. Кичиги эса бу ерда дўконини юргизди. Икки қизни дабдаба билан ўзи каби савдогар оғайниларига келин қилиб узатди. Каттаси беш йилдириқ бефарзанд, кичиги бир йилга ҳам етмай ажрашди. Ўғилларининг бўлса, кичиги бир қизнинг номуслига тегиб қамалиб кетди. Каттаси ўзидан етти ёш улуг, рўзгор кўрган аёлга уйланди. Баъзан у аёлига – хотин биз қаерда адашдик, нега фарзандларимизнинг тақдирини бунчалар аччиқ бўлмаса – деб ҳасрат қилиб қолади. Хотини эса бир сўз айтолмай тилини тишлайди, бўзига тикилган

фарёдини ичига ютади – ахир сиз савдогарлик қиялман, деб қанчадан-қанча одамларни алдадингиз, хиёнат қилдингиз, пулингиз кўплигидан кўп қизларни йўлдан урдингиз, болаларга ҳалол ризқ едирмадингиз, бировларни ҳув тушириб пулини олдингиз, судхўрлик билан шуғулланидингиз. Ма-на оқибатда жазо қийматга қолмади, жабрни сиз эмас фарзандларимиз тортаяпти. Ҳамма бало ҳаромнинг касри, ҳалол лўкма емаганлигидир. Ҳамма офат бориға қаноат қилиб, белгиланган ризқимизга шукр қилмаганимиздир...

Бир танишимнинг кўёви автоҳалокат туфайли вафот этди. Ўлим ҳеч қимдан сўрамас, ҳатто бу ёш ёки бу кекса деб ўтирмаган экан. Эндигина ўттиз ёш-ни қаршилаган йигит бевақт ҳаётдан кўз юмди. Гўлдай аёли бева, икки нафар фарзанди етим қолди. Таъзияга бораганимизда ўша танишимиз бир сўзни айтди – инсон ўзига белгиланган ризқдан ортигини ютолмас экан. Кўёвимиз бир неча кун қомада ётди. Ўзига келгач бизда умид уйғонди, ҳайрият оёққа туриб кетар экан дедик.

Бир неча кундан сўнг у эрталаб биз билан нонушта қилиб, тушликка ўзи ёқтирган таомни тайёрлаб келишни хотинига буюрди. Қизим ўзида йўқ хурсанд, учиб-қўниб уйига кетди. Тушлик пайти кўёвим безовта бўла бошлади, ўзи ёқтирган ва кутган таоми етиб келганда эса уни ейиш насиб қилмай бандаликни бажо келтирди. Банданинг ризқи тутгани шу бўлса керак-да.

Ўзим Фарғонада туғилдим, Тошкентда ўқиб курсдош йигит билан севишиб, Қашқадарёга турмушга чиқдим. Бугун турмуш ўртоғимнинг иши юзаси-



дан оиламиз билан Самарқандда яшаймиз. Баъзан бу тақдирим ёки меҳнинг ризқимни турли жойларга соганими деб ўйлаб қоламан – дейди суҳбатдошим Назира опа.

Бу воқеалар ўйлаб топилмаган. Ҳаммаси ҳаётини ҳақиқатлар. Ризқ борасидаги ушбу мулоҳазалар кимнидир ўйлашга, кимнидир тўғри йўлга солишга, кимгадир ҳақиқатни англашга ёрдам берад, эҳтимол. Зотан, ризқ илоҳийдир. У ҳалолликни севади, ҳаромдан ҳазар қилади.

Бир замонлар одамлар ёқилги сифатида ўтин ишлатишарди. Кейин кўмир, ундан кейин нефть топилиди. Булар анча аввал беркитилган тарзда дунё учун захира қилиб қўйилган эди, шу ҳикматга биноан биз ризқ борасида ортиқча ташвишланмаслигимиз керак. Фақатгина унга эришиш учун озгина ҳаракат қилсак кифоя. Шунинг учун ҳам очликдан ҳеч қим ўлмайди. Ўлмайдиган миқдордаги ризқ эса барчага берилади.

Олимларнинг изоҳлашича, кўпинча ризқ баданимизда ёғ тўқимаси шаклида тўпланади ва бу захира инсонга ҳеч нарсга емаган тақдирда ҳам қирқ кунга етадиган даражада бўлади. Ҳатто Англияда бир киши ўтган асрда 75 кунгача оч яшай олган. Демак, ризқсизликдан, очликдан ўлим йўқ.

Шунингдек, ризқ борасида ҳайвонот дунёсига назар солсак, инсонни ҳайратда қолдирадиган манзараларга дуч келамиз. Жумладан, Шимолий Америкада яшайдиган халтала сичқонни тежамкорликда инсонларга сабоқ берадиган жонзот дейиш мумкин. Бу ҳайвоннинг танасида иккита халтаси бўлиб, бирор озуқа топаганида агар қорни тўқ бўлса, ана шу халталарига солиб қўяди. Қорни очганида бир силқиниб ўша озуқасини чиқаради-да тавовул қилади. Юмронқоқ совуқ кунларда тўрт ойгача қишки уйқуга кетади ва ўзи учун икки килога яқин, яъни 1000-1500 тагача қувалчанг йиғади. Юмронқоқ озуқасини ўлакка сифатида сақласа, сасиб қолишдан, тиррик қолдирса, тарқалиб кетишдан хавотир олиб, уларни бош қисмини узиб

олади ва шу тариқа қочиб кетишининг олди олинади ҳамда тирик сақлашни таъминланади. Хунхўр қуш ўз ризқини ғалати шаклда топади. У иккита туҳум қўяди. Уларнинг биридан жўжа очар, иккинчисини эса озуқа сифатида ишлатар экан. Айёр тулки ризқини топиши учун қандай хийлалар ишлатиши тилларда дoston бўлган. Товуқхонага шундай шовқинсиз кирадики, ҳатто товуклар сезмай қолади.

Қурбақа эса ўлжасини ўтирган жойида ҳам тутиб олаверади. Олтидан учиб ўтаётган қўнғиз ёки чивинга тилини узатса кифоя, тилидаги ёпишқоқ суюқлик воситасида уни дарҳол ушлаб олади.

Бунга ўхшаш мисолларни жуда кўп келтириш мумкин. Жонли табиатдаги сон-саноксиз, катта-кичик барча ҳайвонлар ризқини ўз вақтида ва кераклик миқдорда адаштирмай, чалкаштирмай бериб турган, ҳеч бир жонзотни оч қолдирмаган зот ўз қудратини шу тариқа намойён этмоқда. Шу туфайли жонли мавжудотлар ризқ учун ҳаракат қилиб, ялқовлик ва танбалликни ўзларидан йироқлаштиради. Эҳтиёж уларни ҳаракатга келтирувчи қамчи, очлик эса турткиловчи куч бўлади. Зеро, ҳаёт – ҳаракат демакдир, ҳаракатсизлик эса ўлим ва йўқлик аломатидир. Энг кичик ҳашоратни ҳам ризқсиз қолдирмаган чексиз раҳмат эгаси энг олий мавжудот бўлган инсоннинг ризқини таъминламай эътиборсиз қолдириши мумкинми?

Ҳар бир жонзотнинг ризқини Аллоҳ ўз зиммасига олган дегани, қаида ҳаёт учун зарурий миқдорда ризқни қафолатлаганидир. Яратган инсонга ризқ ўлароқ дарахт шохиди мевани пиширади, аммо оғзига солиб қўймайди, албатта. Чунки унга мевани шохдан узиб олиш учун кўл, чайнаш учун оғиз ва тиш, ҳазм қилиш учун ошқозон берилган. Демак, аслида ҳазм туғилмасимиздан илгари тақдиримизга битилган ризқ учун озгина ҳаракат қилмоғимиз лозим ҳолос. Қолганини эса олий ҳакам – вақт кўрсатади.

Феруза ОРНПОВА



Муваффақият

Ёшлар учун
имконият

Кинематография агентлиги буюртмасига биноан "Ёшлик киностудияси" ДУК томонидан суратга олинган, "Дебют-2020" ёшлар кино альманахидаги 18 та фильмлардан бири бўлган "Чана" қисқа метражли фильми Буюк Британиянинг Бунтингфорд шаҳрида ўтказилган "Бунтингфорд қисқа метражли фильмлар фестивали" да ҳамда Россиянинг Ярославль шаҳрида бўлиб ўтган "Свет миру" халқаро ёшлар кинофестивалида махсус

дипломлар билан мукофотланди.

– Бундан бир неча йиллар олдин ёш киножодкорларнинг халқаро кинофестивалларда иштирок этиши имконсиздек туюларди – дейди фильм режиссёри Суҳроб Қодиоров. – Бугун эса нафақат иштирок этиш, балки халқаро киномайдонларда ёш режиссёр сифатида ўз сўзимизни айти олиш ҳамда ғолибликларни қўлга киритиш имконига эгамиз. Бунда, аввало, устозлар

ва Ўзбекистон кинематография агентлигининг хиссаси катта. Улар яратиб берган ижодий муҳит, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашлар натижа-сида биз ўз қобилиятимизни кўрсата оляптимиз. "Чана" фильмининг иккита халқаро фестивалда махсус мукофот билан тақдирлангани шахсан ўзим ва ижодий жамоани қувонтирди.

Кинематография агентлиги
Ахборот хизмати

Мулоҳаза

Нега ёшлар қишлоқни
тарк этади?

Қиш кечаси қишлоқда машаққат дегани. Қиш кечаси қишлоқда мақсадсиз равишда тонгни кутиб, у ёқдан бу ёққа ағдарилиш дегани...

Мен ҳам ўша кечани мижжа қоқмай ўтказдим. Журналистика факультетига ҳужжат топширган кунимга лаянат ўқидим. Ўзимни журтатсизликда, омадсизликда айбладим. Яна бир-икки қороз кўтара олмайди дилхиралликлар бўлди...

Отам совуқ олдириган оёғини узата олмай қийналади, онам ўчоқда аччиқ тутундан бўғриккан юзини рўмол билан бекитиб, печкага ўтин қалайди. Уларга кўринганим келмайди. Ўзимни кимсасиз, совуқ уйга ур-ман. Талабалик давримдан эсдалик – бир тоқча китоб ҳам менга эш бўлолмай қолган. Ана кулимсираб турадиган Кобо Абз ҳам хўмрайиб олгандек, Франц Кафка бўлса, янада тумшайиб, кайфиятсизлик қаърига кириб кетибди. Достоевскийнинг "Ойдин кечалар" и, Сомерсет Моэмнинг "Ой ва сариқ чақа" си ҳам танамни қўздирмади. Мен Остан Бендердек йўқни йўндирадиган шоввозмас, Раскольников каби тунд, чалкаш, иложсиз бир кимса эдим гўё...

Мен ишсиз эдим, ишсиз бўлганда ҳам дипломли ишсиз, беш йил ота-онам умид билан ўқитган, соғинч билан кутиб олиб, ишонч билан жўнатган ишсиз эдим...

Иш излаб, "Халқ қабулхонаси", туман бандликка қўмаклашиб марказига бордим. Мени меҳнат инспектори вазифасида ишловчи опа ҳурмат билан кутиб олди. Дипломимдан нуска кўчираётганда бошини чайкаб кўйди (дипломга ачинди чамамда). Туманда журналистга умуман эҳтиёж йўқ (аниқроғи иш ўрни йўқ). Бахтимга бир неча мактаб инглиз тили ўқитувчисига зор экан. Инглиз тилида раво сўзлаша оlishимни эслаб, кўнглимда умид учкунлари милтиллади. Аммо чувварани хом санабман. Мактаб директорлари журналист эканлигини эшитиб, рад этаверишди. Қонуна улар ҳақ мактабга педагогика факультетлари битирувчиси керак. Инглиз тилида раво гапиришда, нотикликда Девид Кэмеронни орда қолдирсанг ҳам, Майкл Жексондан ўтказиб қўйла-санг ҳам директорлар бундан кўра дипломингданги "фалон факультет-нинг инглиз тили йўналишини битириди" жумласини ҳурмат қилишади.

Совуқ ўрнимга чўзилар эканман, дипломим бошқасига алмашиб қолишини орзу қилдим. Аммо дилдираб уйгонганимда мўъжиза со-дир бўлмаганди. Диплом икки кун олдин тоқчага қандай иргитилган бўлса, ўшандай турганди.

Ташқаридан эса юлдузли, аёзли кеча. Қишлоқи содданнинг устидан шаҳар нечоғли кулса, қишлоқ ҳам "ўқимишли" беқорчини аёвсиз эади: қишлоққа бундайлар эмас, ерни трактордек ағдарадиган, бедани қизининг белидек ингичка боғлайдиган азаматлар керак.

Эртаси кун туман халқ таълими бўлимига ошқидим. Бутун ўқитувчиларга иш тақсимлайдиган амалдорга ниятимни айтди. Яна дипломим "уялтирди".

– Ўқингча пул билан кириб, пул билан амаллаб битириб, бизнинг сифатли таълимини бузмоқчимисиз, йигитча?

Бу мен эшитган якуний жавоб эди. Гарчи кун совуқ бўлса-да, пешонамдан тер чиқиб кетди. Дарвоқе, тўрт йил ўқингча тайёрланиб, машаққат билан талаба бўлганим бир четда тура турсин. Жуда-жуда "сифатли" бўлган, Филандияда ҳам муқобили йўқ таълим тизимини "бузиб қўймадик" учун ҳам, туман таълим тизими тепасида турган амалдор ҳузуридан сўзсиз, садосиз чиқдим...

Талабалик пайтимда пойтахтда "виюляларни, чекка ҳудудларни ривожлантириш керак" деб ўқитишарди. Худди ёшлар қайтса бўлди, ҳамма жой гўллаб-йўлаб кетадигандек. Бизга шу насиҳатни ўзи ёшли-гида қишлоққа қайтиб кетмасдан шаҳарда каталакдек квартирада бўлса-да, яшаб қолган устозларимиз айтарди. Қизиқ парадокс, нима дедингиз?

Хуллас, мен учун қишлоқда яқкаю ягона маош олса бўладиган даргоҳ – мактаб эшиклари ёпилаб, яна юкларимни хозирлаб, сафарга тайёрлана бошладим. Отам оёғини совуққа олдириганидан кузатишга чиқолмади, онам нарсаларимни тахт қилиб берди. Дипломимни сум-камга маҳкам ўрнаштирдим-да, фалон профессор телевизорда "ёш-лар енгил ҳаётга берилиб, нуқул шаҳарда изғиши, қишлоққа эса янги кадрлар, янги қон жуда зарурлиги" ҳақидаги маъруза қилаётган пайт-да қишлоқни тарк этдим...

Улуғбек ОРИПОВ

Хоразм қўшиқчилиги

Ўзбек қўшиқчилиги санъати жуда бой ва серкирра бўлиб, улар орасида Хоразм йўналиши алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, Хоразм қўшиқчилиги санъатидаги халфачилик ижро усули жозибадорлиги, нафислиги ҳамда ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу йўналиш тахминан ўрта асрларда ижро санъати, XIX асрга келиб эса жўрнавозлик санъати сифатида шаклланган. Халфалар ўз ижроларини дастлаб гармон чолғуси жўрлигида, бугунга келиб эса аккордеон билан ҳам қўйлаб келишмоқда.

Халфа – халқона санъат
куйчиси

Тарихий манбаларда айтилиши-ча, халфачиликнинг расман шакл-ланиши милотдан аввалги VII аср-да Ўрта Осиёда тўла қарор топган Зардуштийликнинг ибодат маросимларига бориб тақалса-да, унинг илк кўринишлари унсур ҳолида кўпхудолик даврида намоён бўла бошлаган. Зардуштийлик даврига келиб, бу жараённинг шаклланиш босқичи ўз низоҳисига етган. "Халфа" сўзи турли тарихий даврларда ҳар хил шакллarga эга бўлиб, зардуш-тийликнинг диний маросим ва удумла-рини ижро этувчи қадим паҳлавий ти-лида "қарпа", санскрит ва хоразм ти-лида "қалпа" деб аталган. Луғавий маъно-си "қуйловчи", "етақчи" бўлган "қалпа" сўзи Хоразм воҳасида яшовчи аҳоли лаҳжасида "халпа", яъни "халфа" шакли-да оммалашган.

Халфачилик уч турга – ижодкор шо-ира халфалар, ижрочи сози халфалар ва китобий яққа халфаларга ажралади. Халфачилик санъати асосан аёллар ора-сида кенг тарқалган. "Авесто" матнлари ўз даврида илоҳий сўз саналгани боис "қалпа"лар уни тиниқ ва раво талқин қилишлари лозим бўлган. Шунинг учун бу жамоадаги аёллар ҳам ибодатни ўз истакларига кўра, яққа ёки эркаклар ҳамроҳлигида оташка (зардуштийлар-нинг ибодат қиладиган жой)лардаги қиротда мусика жўрлигида Яздонни мадҳ этувчи мадҳияларни ижро этиш-да қатнашишган. Ўрта Осиёда исломий қарашлар жорий этилган, халфачилик-ни, аввало, саводхон аёллар давом этти-ришган. Улар "Қуръони Карим" оятла-ри, ҳадиси шариф ва бошқа диний-ма-рийфий китобларни тарғиб қилишган. Бунда элик билмидан ташқари ёқимли қирот қилишни билиш ҳам муҳим са-налган.

Халфачиликнинг ўзига хос хусу-сиятлари ижро ва ижод жараёнларининг ўзаро муносабатига ҳам акс этади. Бу икки жиҳат бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ижрочилик халфачилик санъатининг асосий белгиси, ўзгирди. Зеро, ижрочилик бу санъатнинг ҳамма босқичларидаги барча халфалар учун муштарак хусусиятга эга бўлган. Жум-ладан, ижро давомида қистирма мис-ра ва қочиримлар қўллаш анъанавий матнинг вариантлашуви халқ куй-га янги ҳаётга, тингловчилар билан қизгин мулоқот вазиятини яратди.



Куйида халфа ижодидан намуналар келтирилади:

Ҳайрониман

Қўпирда кўрнар отининг боши,
Ёмғирдин ёғди кўзининг ёши.
Ман кетган, сўнг ким бўлибди йўлдоши,
Ҳайрониман ҳайрониман ҳайрони.
Ўзи галмагани зори гирёни,
Шуён галмагани зори гирёни,
Топиб галмагани зори гирёни.

Қолаверса, ижро этиладиган асар ха-рактерига кўра, турли чолғулар – гар-мон, дутор, рубоб, доира ва пиёлини тан-лаб қўйлаш ҳам халфадан профессо-нал ижрочилик маҳорати ҳамда иж-одийлики талаб этади. Ижрога ижодий ёндашув асосан ижрочи халфаларга хос хусусиятдир. Шоира халфалар эса бу-лардан ташқари, индивидуал ижодкор-лик салоҳияти билан ажралиб туриша-ди. Бу ижодкорлик анъанавий дoston-лар, қўшиқлар ва куйларнинг нисба-тан мустақил вариантини яратиш бил-ан бир қаторда янги оригинал терма-лар, қўшиқлар ва айтимлар тўқишда тўлароқ намоён бўлади. Шундай халфа-лар қаторида Онабик қори Ожизани ҳам эслаш ўринли. У севги-муҳаббат, меҳнат мавзусида жуда қўллаб асарлар яра-тди. Унинг "Сиз бу гулни қайси боғдан олдингиз", "Тарғунча", "Уяламан", "Ха-бар галмиш", "Қайдадир билмади дилдо-



рим", "Туина", "Ўлгунча се-ни дерман" каби қўшиқлари шулар жумласидандир. Ле-кин халфаларнинг ўз ижоди-га мансуб бўлган бу асарларга ёзма адабиёт намунаси сифа-тида қарамаслик лозим. Саба-би уларда жамоавий ижодкор-ликда анъанавийлик, воқеа ва ҳодисаларни халқона тафаккур асосида эстетик баҳолаш етак-чилиги қилади.

Афсуски, халфаларнинг XVIII асргача яратган ва қўйлаб қўллаб асарлари бизга тўлиқ етиб келмаган. Сабаби, ўша даврларда бу санъатга эъ-тибор жуда кучли бўлмаган ёки Чин-тизон босқини тўғайли халфалар иж-ро этган манбалар сақланиб қолмаган. Ҳозирда халфалар ижросида айталиди-ган қўшиқлар орасида қишга завқ бе-рувчи, деб қараладиган сўзлар бор. Ма-салан:

Олти халфа

(Халқ сўзи ва мусикаси)
Олти халфа бири Ойша,
Бармақлари қўша-қўша,
Қўшқ айтар жўша-жўша,
Эла балли олти халфа,
Жаку, жаку, жаку, жаку.

"жоку-жоку" сўзини олсак, манбалар-да ёзиллишича, аслида "жоку" эмас, "Аё Ку", яъни "Эй қуёш" деган маънога эга экан. "Аё" – эй, деган мурожаат сўзини англатса, "Ку" ҳозирда "қун" шаклида қуёш маъносини билдиради. Кейинча-лик ислом дини кириб келган бу сўз дар-вешлар тилида "Ёку" шаклида ўзгарган. "Жоку" сўзи кейинги давр махсули бўлиб, ўша ерда яшовчи ўзбеклар шеvasига мос-лашувидир.

Шунинг учун ҳам номоддий маданий меросимизнинг ноёб дурдонаси бўлган халфа қўшиқлари йўқолиб кетиши-нинг олдини олишимиз ва келажақ ав-лодга асл ҳолича ижрочилик анъанаси-ни йўқотмаган ҳолда етказишимиз дар-кор. Бу ишни амалга оширишда нафақат сизу биз, балки юртимиздаги маданият ва санъат ҳосасида фаолият олиб бора-ётган барча ҳодимлар маъсулиятини ҳис қилмоқликлари зарур.

Х.ХУҲАЕВА,

Республика маданият муассасалари
фаолиятини ташкил этиш илмий-
методик маркази бўлим бошлиғи



МАДАНИЯТ

ОВУНА ИНДЕКСИ:

285

МУАССИС:
"Dildosh media" МЧЖ,
ҳамкор:
Ўзбекистон
Республикаси
Маданият вазирлиги

Бош муҳаррир
Дилбоҳор Худойбердиева
Тахририят манзили:
100029, Тошкент шаҳри, Тарас
Шевченко кўчаси, 1.
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба кунини чоп этилади.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан
10.04.2018 й. 0803 рақами
билан давлат
рўйхатидан ўтказилган.

Тахририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди.
Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри тахририят фикридан фарқланиши мумкин.
"Маданият" материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Нашр учун масъул: Ш.Исроилова
Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева
Навбатчи: Н. Содиқова
Адади - 7864 Буюртма - Г - 717
Сотувда келишилган нархда
Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табок

Газета "Шарқ" наприёт-
матбаа акциядорлик ко-
мпанияси босмахонасида
чоп этилди.

Қорхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41.
Босмахонага топшириш
вакоти - 01.00
Топширилди - 00.30
1 2 3 4 5 6